

**Жамиятнинг 2021 йил 1-чорақда бизнес-режасини бажарилиши ҳамда жамиятда олиб борилган ишлар бўйича жамият бошқаруви раисининг**

**Ҳ И С О Б О Т И.**

“Андижон биокимё заводи” АЖ 2021 йил 1-чорақ давомида **50 млрд. 913 млн. 265 минг** сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, **54 млрд. 175 млн. 135 минг** сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва режа **106,4** фоизга бажарилди.

Озуқали этил спирти ишлаб чиқариш режаси **370,0 минг** далл белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **400,89** минг даллга бажарилди ёки режага нисбатан **108,3** фоиз миқдорида ишлаб чиқарилди.

Жамият 2020 йил давомида спирт ишлаб чиқариш бўйича қувватлардан фойдаланиш коэффиценти **85,7** фоизни ташкил этди.

Жамиятнинг 2020 йил давомида олинган соф фойдаси **2 млрд. 712 млн. 816 минг** сўмни ташкил этган бўлиб, бизнес режада **2 млрд. 464 млн. 794 минг** сўм этиб белгиланган ва бизнес режа **110,1** фоизга бажарилди.

Меҳнат унумдорлигидан фойдаланиш режада **127 млн. 283 минг** сўмни ташкил этиб, ҳақиқатда **130 млн. 706 минг** сўмни яни бизнес режа **102,7** фоизга бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692 сонли қарорининг 3-иловасида келтирилган маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгисига алмаштириш бўйича тасдиқланган манзилли рўйхат жадвалига асосан “Андижон биокимё заводи” АЖ да 2020-2022 йилларда инвестицион лойихаларни устидан олиб борилаётган ва режалаштирилаётган ишлар тўғрисида

**Суткасига 7000-7200 кг этилацетат маҳсулоти ишлаб чиқариш қурилмасини сотиб олиб ўрнатиш.**

Бугунги кунда жамиятда этилацетат ишлаб чиқариш қурилмасини сотиб олиб ўрнатиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.02.2020 йилдаги № 60-сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги 23 июлдаги ПҚ.-4787 сонли қарорининг 2020 йил 10 августда тасдиқланган манзилли рўйхатида келтирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора тadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сонли қарорига асосан 2021 йил учун лойиха тасдиқланган суткасига 7,2 тонна этилацетат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи қурилма ўрнатиш инвестиция дастурига киритилган.

Ушбу лойихани амалга ошириш учун жамият томонидан бино (эски углекислота цехи) ажратилиб, ҳозирда бинони ташқи ва ички қисмларини таъмирлаш ишлари олиб боримокда.

Лойиханинг умумий қиймати 1 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бундан қурилма учун 800000 АҚШ доллари, бинони таъмирлаш ва қўшимча харажатлар учун 200000 АҚШ доллари эквивалентига тенг маблағлар сарфлаш режалаштирилган.

Қурилмани сотиб олиш 800000 АҚШ доллари АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” кредитлари ҳисобидан амалга оширилади. 200000 АҚШ доллари эквивалентига тенг маблағлар жамиятнинг ўз ҳисобидан амалга оширилади.

Қурилмани сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси 09.04.2018 йилдаги “Давлат харидлари” тўғрисидаги №-472-сонли қонун талабларидан келиб чиқиб

хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.02.2018 йилдаги “Лойиха олди, лойиха, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПК-3550 қарорига асосан тендер ўтказиш бўйича барча тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, 2021 йил 10 март санасида қайта тендер ўтказиш эълон қилинди.

2021 йил 13 апрел куни тендер ўтказилиши бўйича жамият буйруғига асосан тузилган харидлар бўйича комиссия томонидан билан 6-чи марта тендер ўтказилиб, тендер иштирокчиларининг ҳужжатларини тегишли тартибда етказиб бермаганлиги сабабли келгуси танловларга қолдирилди.

## **2- лойиха: Суткасига 150 тонна буғдойдан ун ишлаб чиқариш тегирмони.**

Жамиятимизда мавжуд (эски Тамбов спирт ишлаб чиқариш) биносига суткасига 150 тонна буғдойдан ун ишлаб чиқариш тегирмонини сотиб олиб ўрнатиш лойихаси режалаштирилган. Бугунги кун ҳолатига ушбу бинодан 18x36 метр 4 каватли бино қисми ажратилиб, эски ускуналар тегишли тартибда демонтаж қилинмоқда.

Масалан, дон саклаш элеватори бино ёнида жойлашган, керакли сигимдаги дон бункерлари мавжуд, бинода етарли қувватда электроэнергия подстанцияси мавжуд.

Ушбу лойихани амалга оширишдан асосий мақсад замонавий ускуналарни ўрнатган ҳолда сифатли ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда 100-нафар ишчи-ҳодимларга ишчи ўрин яратиш.

Ушбу лойихани амалга ошириш учун 2,0 млн. АҚШ доллари сарф этилиши кўзда тутилмоқда.

Лойихани ишга тушириш муддати 2021 йил IV-чорак.

## **3- лойиха. Текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш.**

Лойиха мақсади: Текстил маҳсулотлари ишлаб чиқаришни амалга ошириш.

Лойиханинг йиллик қуввати: 300 тонна/йил.

Лойиханинг умумий қиймати 5млрд.сўм

Лойиханинг ишга тушириш режаси 2021 йил III-чорак.

**Эътиборларингиз учун раҳмат**

**"Андижон биокимё заводи" АЖ  
бошқарув раиси Х.Юлдашев**